

«BIOKIMYO» AJ  
акциядорларининг 2021 йил 25 июндаги  
Умумий йиғилиш қарори билан

**«ТАСДИҚЛАНГАН»**

Йиғилиш Раиси А.Тугизбаев

(*M. Ъ*)

**«BIOKIMYO»  
AKSIYADORLIK JAMIYATINING  
МОНОПОЛИЯГА ҚАРШИ  
КОМПЛАЕНС ТҮГРИСИДА  
НИЗОМИ  
(янги таҳрири)**

**Янгийўл шахар – 2021 йил**

---

“BIOKIMYO» AJ монополияга қарши комплаенс түгрисида низом\_25.06.2021 йил

## **МУНДАРИЖА**

1.	Умумий қоидалар . . . . .	3
2.	Монополияга қарши комплаенснинг мақсади ва вазифалари . . . . .	3
3.	Ваколатли шахс (хизмат) . . . . .	4
4.	Монополияга қарши комплаенс тұғрисида низом . . . . .	6
5.	Жамиятда рақобат тұғрисидаги қонунчилік ҳужжатлари талабарининг бузилишини анықлаш . . . . .	6
6.	Рақобат тұғрисидаги қонунчилік ҳужжатлари талабарининг бузилиш хавфларини камайтириш бүйіча чора-тадбирлар . . . . .	8
7.	Монополияга қарши комплаенс ҳақидаги ҳисобот . . . . .	8
8.	Монополияга қарши комплаенс ҳақидаги ҳисобот . . . . .	9
9.	Монополияга қарши кураиш органининг ваколатлари (функции)си . . . . .	10
10.	Якуний қоидалар . . . . .	10

## I. Умумий қоидалар

1.1. Мазкур Низом жамият фаолияттнинг рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларига мувофиқлигини таъминлаш, уларнинг бузилиш хавфини аниқлаш ва олдини олиш бўйича ички ташкилий тартиб-таомиллар тизими (монополияга қарши комплаенс)ни ташкиллаштириш ва ишлаши мақсадида ишлаб чиқилган.

Жамиятда монополияга қарши комплаенс тизимини жорий этиш, унинг фаолият юритишини таъминлаш ва мониторинг қилиш учун кузатув кенгаши, ижро органи ва комплаенс хизмати масъулдир.

1.2. Мазкур Низомда қуидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**монополияга қарши курашиш органи** — Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси ва унинг ҳудудий бошқармалари;

**монополияга қарши комплаенс** — фаолияттнинг рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар хавфини аниқлаш ва уларнинг олдини олишга қаратилган ички ташкилий чоратадбирлар ва таомиллар тизими;

**давлат органлари** - давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари

**монополияга қарши комплаенс тўғрисидаги ҳисобот** — давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва хўжалик юритувчи субъектларда рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларига амал қилинишини ташкил этиш ҳақидаги ахборотни ўз ичига оладиган ҳужжат;

**ваколатли шахс (бўлинма)** — жамият раҳбарига бевосита бўйсунадиган, монополияга қарши комплаенс тизимини ишлаб чиқиш, жорий этиш ва унинг тегишли мониторингини, шунингдек, фаолиятини таъминлаш учун масъул бўлган алоҳида таркибий бўлинма ёки шахс;

**савдолар** — товар ва хизматларни харид қилиш ва сотиш билан боғлиқ бўлган таомиллар, шу жумладан, электрон савдо таомиллари.

## II. Монополияга қарши комплаенснинг мақсади ва вазифалари

2.1. Монополияга қарши комплаенс тизимининг асосий мақсади Жамият фаолияттнинг рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларига мувофиқлигини таъминлаш.

2.2. Қуидагилар монополияга қарши комплаенс тизимининг асосий вазифалари ҳисобланади:

рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларининг эҳтимолий бузилиш хавфларини аниқлаш

рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларининг эҳтимолий бузилиш хавфларини баҳолаш ва уни бошқариш;

жамият фаолиятининг рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларига мувофиқлигини таъминлаш ва мониторинг қилиш;

жамият фаолиятида рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талаблари бузилишининг ҳамда уларнинг раҳбарлари томонидан ўз

вазифаларини бажариш жараёнида рақобатга зид хатти-ҳаракатлар амалга оширилишининг олдини олиш;

жамиятда монополияга қарши комплаенс тизимини ишлаш самарадорлигини баҳолаш ва таъминлаш;

жамиятнинг ходимларида рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талаблари бузилишининг олдини олиш ва мунтазам равишда ушбу йўналиш бўйича уларнинг малакасини ошириш юзасидан ўқитиш йўли билан рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларига доир фикрларини ривожлантириш.

### **III. Ваколатли шахс (хизмат)**

3.1. Жамиятда монополияга қарши комплаенс тизимини жорий этиш ва унинг фаолиятини мониторинг қилиш ваколатли бўлинмаси – Комплаенс хизмати томонидан амалга оширилади.

3.2. Жамиятда монополияга қарши комплаенс тизимини ташкил қилиш, жорий этиш ва унинг фаолиятини таъминлаш умумий назорати комплаенс хизмати бошлиғи томонидан амалга оширилади.

Комплаенс хизмати бошлиғи қуйидагиларни амалга оширади

1. фаолиятга тегишли материалларни таҳлил қиласди (шу жумладан, рақобатни ва (ёки) истеъмолчиларнинг хуқуқ ва манфаатларини чеклайдиган нормаларни аниқлашга қаратилган ички ҳужжатларни хатловдан ўтказади), аниқланган камчиликларни бартараф этишга йўналтирилган чораларни ишлаб чиқади;

2. рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талаблари бузилишини мониторинг қиласди;

3. рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари ўзгаришларни мониторинг қиласди, шунингдек, идоравий ҳужжатларга тегишли ўзгартиришлар киритиш юзасидан таклифлар киритади;

4. рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларининг бузилиш хавфларини аниқлайди, хавфлар билан боғлиқ ҳолатлар ҳисобини юритади ва юзага келиш эҳтимолини белгилайди;

рақобат чекловларини келтириб чиқариши мумкин бўлган омилларни аниқлайди ва уларни бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

5. жамият бўлинмалари ва ходимлари фаолиятида рақобат чекловларини келтириб чиқариши мумкин бўлган манфаатлар тўқнашувини аниқлайди, уларни бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

6. жамиятнинг ходимларига рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларига амал қилиш билан боғлиқ масалалар бўйича маслаҳатлар беради;

7. монополияга қарши комплаенс тизимининг фаолият юритиши билан боғлиқ масалалар бўйича бошқа тузилмавий бўлинмалар билан ўзаро алоқаларни мувофиқлаштиради;

8. рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талаблари бузилиш билан боғлиқ ички ўрганиш ишларини ташкил этади;

9. монополияга қарши курашиш органи билан рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талаблари бузилиши бўйича ўзаро ахборот алмашади;

рақобат түғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларининг бузилиш хавфларини камайтириш мақсадида бир йилга мўлжалланган «йўл харитаси»ни ишлаб чиқади ва амалга оширилишини таъминлайди;

10. монополияга қарши комплаенс масалалари бўйича мунтазам равишда тренинглар ўтказади ва жорий маълумотларни тегишли бўлимларга тақдим қиласди;

11. давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва жамият томонидан қабул қилинадиган ҳужжатларнинг лойиҳаларини ўрганади ва рақобат түғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларининг бузилишини келтириб чиқариши мумкин бўлган нормалар аниқланган тақдирда, бу ҳақда раҳбарни хабардор қиласди;

3.3. Ваколатли шахс (хизматнинг масъул ходимлари) қуйидаги тамойилларга мувофиқ фаолиятини амалга оширади:

а) Ваколатли шахснинг (хизматнинг масъул ходимларининг) лавозимга тайинланиши ва лавозимдан озод этилиши

ижро органи томонидан кузатув билан келишилган ҳолда, монополияга қарши органни хабардор қилган ҳолда амалга оширилади

б) Ваколатли шахс (хизмат) кузатув кенгашига бўйсунади ва ҳисобдор бўлади.

в) Ваколатли шахс (хизмат) нинг вазифаларини бамалга ошириш учун зарур бўлган ваколат ва ресурсларнинг етарлилиги

г) Давлат органи, Кузатув кенгаши, жамият ижро органи раҳбари (ҳисобдорлигига қараб) билан рақобат түғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш хавфи билан боғлиқ масалаларни мухокама қилиш учун бевосита ва чексиз имконият;

3.4. Ваколатли шахс (хизматнинг масъул ходимлари) лавозимига номзод қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

а) қуйидаги йўналишлардан бири бўйича олий маълумотга эга бўлиши: иқтисодиёт;

бошқарув тизими (менежмент);

хукуқ ёхуд давлат бошқаруви органи ёки жамият фаолиятининг асосий йўналишларидан бири бўйича;

б) қуйидаги йўналишлар бўйича камида бир йиллик иш тажрибасининг мавжудлиги:

устувор равишида комплаенс;

хавфларни бошқариш;

ички аудит ёхуд давлат органи ёки жамият фаолиятини юридик таъминлаш йўналишлари бўйича.

3.5. Ваколатли шахс (хизматнинг масъул ходимлари) жамият фаолиятига мўлжалланган бизнес-режа лойиҳасини ишлаб чиқиш ва қуйидаги бошқарув органларида тасдиқлашни ташкиллаштиради.

а) кузатув кенгаши ёки ижро органи

3.6. Жамиятда монополияга қарши комплаенс тизимини ташкил этиш ва унинг ишлаш самарадорлигини баҳолаш ижро этувчи орган ёки кузатув кенгаси томонидан амалга оширилади

#### **IV. Монополияга қарши комплаенс тўғрисида низом**

4.1. Жамиятда монополияга қарши комплаенс тизимини жорий этиш мақсадида мазкур низомнинг учинчи бўлим 6 бандига мувофиқ ички низомни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш ваколатли шахс (хизмат) томонидан таъминланиши керак, низом қўйидагиларни акс эттиради:

Жамиятда монополияга қарши комплаенс тизимини жорий этиш, унинг фаолият юритишини таъминлаш ва мониторинг қилиш, унинг фаолияти самарадорлигини баҳолашни амалга оширувчи ваколатли шахс (хизмат) тўғрисида маълумотларни;

жамият фаолиятининг рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларини бузиш хавфларни аниқлаш ва баҳолаш тартиби;

монополияга қарши қонунчилигининг бузилиши мумкин бўлган ҳисоботлари билан шуғулланиш тизими, шунингдек, бундай қоидабузарликлар фактлари бўйича ички текширувларни ўtkазиш тартиби;

жамият ходимларини монополияга қарши комплаенс тўғрисидаги низом билан таништириш тартиби;

монополияга қарши комплаенс тизим фаолиятини жамият томонидан назорат қилишга қаратилган чора-тадбирлар;

жамиятда монополияга қарши комплаенс тизим фаолиятини баҳолаш тартиби ва самарадорлигининг мухим кўрсатгичларини;

монополияга қарши комплаенс тизимининг самарали ишлашига қаратилган жамият фаолиятининг хавф-хатарлари ва ўзига хосликларига асосланган бошқа чора-тадбирлар.

4.2. Монополияга қарши комплаенс тўғрисидаги низом жамиятнинг Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги расмий веб-сайтида (кейинги ўринларда расмий веб-сайт )жойлаштирилади.

#### **V. Жамиятда рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларининг бузилишини аниқлаш**

5.1. Жамиятда рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларининг бузилиш хавфларини аниқлаш мақсадида ваколатли шахс (хизмат) томонидан қўйидагилар мунтазам амалга оширилади:

1-рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларининг бузилишига ёки бозорда рақобатни чеклашга олиб келадиган нормалар ва қоидаларни аниқлаш мақсадида норматив-хуқуқий ҳужжатларни ўрганиш;

2-жамият томонидан ўзининг устун ҳолатини суиистеъмол қилишга, монопол юқори ёки монопол паст нархларни ўрнатишга, контрагентларга манфаатсиз ва чекловчи шартнома шартларини мажбуран қабул қилдиришга, тил биритиришлар, келишувлар ва келишилган ҳаракатларни аниқлаш, бошқа хўжалик юритувчи субъектларнинг товар бозорига киришига тўсиқлар

яратишига олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган ҳаракатларни ўрганиш;

3-жамиятнинг рақобат қонунчилигининг бузилишига ёки бозорда рақобатни чекланишига олиб келадиган ёки сабаб бўладиган тил биритириш, келишув ва келишилган ҳаракатларни ташкил етиш бўйича ҳаракатларини ўрганиш;

4-бозорда адолатсиз рақобатга олиб келадиган ёки бошқа хўжалик юритувчи субъектга зарар етказадиган ёки унинг бизнес обрўсига зарар етказадиган, товар бозорига бошқа хўжалик юритувчи субъектга киришни тўсиб қўядиган ҳаракатларни ўрганиш

5- жамиятнинг рақобат тартиб-таомилларини, шу жумладан, савдолар ва биржа савдоларини ўтказиш ва уларда қатнашиш бўйича талабларга амал қилишини ўрганиш;

6-жамият фаолиятида **монополияга қарши қурашиш органи** томонидан аниқланган рақобат тўғрисидаги қонун бузилишлари (буйруқлар, жарималар, шикоятлар, қўзғатилган ҳолатлар) ва жамиятга **монополияга қарши қурашиш органи** томонидан қўзғатилган антимонопол ҳолатларнинг сабаблари таҳлили;

7-вужудга келиш эҳтимоли бўлган монополияга қарши хавфларни таҳлил қилиш ва уларнинг рўйхатини комплаенс-хавфлар харитаси кўринишида тузиш;

8-рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларининг бузилиш хавфларини камайтириш бўйича ишлаб чиқилган ва амалга оширилаётган чора-тадбирлар самарадорлигини мунтазам равища баҳолаш;

9-рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларини қўллаш амалиётини мониторинг ва таҳлил қилиш;

10-жорий этиладиган янги чекловлар, рухсат бериш тартиб-таомилларининг янги турлари, лицензияларни, шунингдек, рухсат бериш хусусиятига эга ҳужжатларни ёки лицензияларни олиш учун қўшимча талаблар ёки шартларни ҳамда техник тартибга солиш талабларининг жорий этилишини ўрганиш;

11-тендер ва биржа савдоларига қўйиладиган монополияга қарши талабларга амал қилинишини таҳлил қилиш;

12-давлат харидларининг рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларига мувофиқлигини ўрганиш;

13-аниқланган рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларини бузиш ҳолатларини таҳлил қилиш;

14-жамият фаолиятининг хусусиятидан келиб чиқсан ҳолда, монополияга қарши комплаенс тизимининг самарали ишлашига қаратилган бошқа чора-тадбирлар ҳам амалга оширилади.

5.2. Ваколатли шахс (хизмат) томонидан рақобат тўғрисидаги қонун бузилишлари (буйруқлар, жарималар, шикоятлар, **монополияга қарши қурашиш органи** томонидан қўзғатилган ҳолатлар) нинг сабаблари таҳлилини

үтказиш (бир йилда камида бир марта) да қуидаги чора-тадбирларни амалга оширади:

жамият таркибий бўлинмаларида рақобат тўғрисидаги қонун бузилишларининг мавжудлиги тўғрисида ахборот тўплаш;

жамиятда рақобат тўғрисидаги қонун хужжатларини бузганлик ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олган қоидабузарликлар рўйхатини тузиш (монополияга қарши қонун хужжатлари меъёрларини бузилишини кўрсатиш, қоидабузарликнинг моҳияти ҳақида хулоса, рақобат тўғрисидаги қонун хужжатларини бузганлик оқибатлари ва монополияга қарши курашиш органи томонидан қоидабузарликни кўриб чиқиш натижасида берилган кўрсатма), монополияга қарши курашиш органнинг тутган ўрни (позицияси), хукуқбузарликни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек давлат органи томонидан хукуқбузарликнинг такрорланишига йўл қўймаслик бўйича қўрилган чора-тадбирлар тўғрисида;

5.3. Жамиятда рақобат тўғрисидаги қонунни қўллаш амалиётини кузатиш ва таҳлил қилишда ваколатли шахс (хизмат) қуидаги чора-тадбирларни амалга ошириши керак:

Жамиятдаги хукуқни муҳофаза қилиш амалиёти ҳақида доимий равишда маълумот тўплаш ва натижада жамиятнинг хукуқни муҳофаза қилиш амалиётларининг ўзгариши ва асосий жиҳатлари бўйича таҳлилий ҳисобот тайёрлаш;

Жамиятда хукуқни муҳофаза қилиш амалиёти натижаларини муҳокама қилиш учун монополияга қарши курашиш орган вакилларини таклиф қилган холда амалий учрашувларни үтказиш;

5.4. Ваколатли шахс (хизмат) томонидан рақобат тўғрисидаги қонун хужжатларини бузилиш хавфларини аниқлашда қуидаги чора-тадбирлар амалга оширилади:

рақобат тўғрисидаги қонун хужжатларини бузганлик белгиларини ўз ичига олган ҳаракатларни (ҳаракатсизликни) тугатиш тўғрисидаги хизмат ҳисботини жамият раҳбарига кейинчалик тегишли идораларга узатиш ва тегишли чоралар кўриш учун тақдим этиш;

амалдаги қонунчиликка мувофиқ айбдор шахсларни маъмурий жавобгарликка тортиш тўғрисида компания раҳбарига тақдимнома киритиш.

5.5. Рақобат тўғрисидаги қонунчилик хужжатлари талабларининг бузилиш бўйича аниқланадиган хавфлар ваколатли шахс (хизмат) томонидан мазкур низомга **иловага** мувофиқ даражалар бўйича тақсимланади.

5.6. Рақобат тўғрисидаги қонунчилик хужжатлари талаблари бузилиши хавфлари бўйича үтказилган баҳолаш ишлари асосида ваколатли шахс (хизмат) томонидан хавфлар тавсифи тузилади, унга хавфларнинг пайдо бўлиш сабаблари ва шартларини баҳолаш ишлари ҳам киритилади.

5.7. Рақобат тўғрисидаги қонунчилик хужжатлари талабларининг бузилиш хавфларини таҳлил қилиш, аниқлаш ва баҳолаш тўғрисидаги ахборот монополияга қарши комплаенс ҳақидаги ҳисботга киритилади.

## **VI. Рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларининг бузилиш хавфларини камайтириш бўйича чора-тадбирлар**

6.1. Рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларининг бузилиш хавфларини камайтириш мақсадида ваколатли шахс (хизмат) бир йилга мўлжалланган «йўл харитаси»ни ишлаб чиқади ва амалга оширилишини таъминлади.

6.2. Ваколатли шахс (хизмат) “йўл харитаси”да белгиланган чора-тадбирларнинг бажарилиши юзасидан мониторингни амалга оширади.

6.3. “Йўл харитаси”да белгиланган чора-тадбирларнинг бажарилиши юзасидан маълумотлар монополияга қарши комплаенс тўғрисидаги ҳисобтга киритилади.

## **VII. Монополияга қарши комплаенс тизимининг ишлаш самарадорлигини баҳолаш**

7.1. Жамиятда монополияга қарши комплаенс тизимининг ишлаш самарадорлигини баҳолаш учун асосий кўрсаткичлар белгиланади.

7.2. Жамиятда монополияга қарши комплаенс тизимининг ишлаш самарадорлигини баҳолаш бўйича асосий кўрсаткичларни ҳисоблаш методикаси монополияга қарши курашиш органи томонидан ишлаб чиқилади.

7.3. Ваколатли шахс (хизмат) жамиятда монополияга қарши комплаенс тизимининг эришилган асосий самарадорлик кўрсаткичларини баҳолайди (йилда камида бир марта).

7.4. Жамиятда монополияга қарши комплаенс тизимининг ишлаш самарадорлигини баҳолаш бўйича асосий кўрсаткичларга эришилгани тўғрисидаги ахборот монополияга қарши комплаенс ҳақидаги ҳисоботга киритилади.

## **VIII. Монополияга қарши комплаенс ҳақидаги ҳисбот**

8.1. Монополияга қарши комплаенс ҳақидаги ҳисбот қўйидагиларни ўз ичига қамраб олади:

рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларининг бузилиш хавфлари бўйича ўтказилган баҳолаш ишларининг натижалари;

рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларининг бузилиш хавфларини камайтириш бўйича чора-тадбирларнинг бажарилиши;

монополияга қарши комплаенс тизимининг асосий самарадорлик кўрсаткичларига эришилгани ҳақидаги ахборот.

8.2. Монополияга қарши комплаенс бўйича ҳисбот ваколатли шахс (хизмат) томонидан ҳар йили жамият кузатув кенгашига тасдиқлаш учун тақдим этади, мазкур низомнинг учунчи бўлим олтинчи бандига асосан.

8.3. Жамият томонидан тасдиқланган монополияга қарши комплаенс бўйича ҳисбот ўзларининг расмий веб-сайтида жойлаштирилади ва уч иш куни ичida монополияга қарши курашиш органига юборилади.

## **IX. Монополияга қарши курашиш органининг ваколатлари (функции)си**

9.1. Монополияга қарши курашиш органи:

жамиятга монополияга қарши комплаенс тизимини жорий этиш ва фаолиятини юритиш масалалрида кўмаклашади

рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабарининг бузилиш хавфларини камайтириш бўйича «йўл харитаси»ни амалга ошириш натижаларини ўрганади ҳамда камчиликлар ва қонунбузарликлар аниқланган тақдирда, жамиятга тегишли огоҳлантиришлар беради;

рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари бузилиши хавфини баҳолаш натижаларини таҳлил қиласи ва таҳлил натижалари бўйича тавсиялар ишлаб чиқиши мумкин;

монополияга қарши комплаенс тизимининг асосий самарадорлик кўрсаткичларининг бажарилиш натижаларини баҳолайди;

асосий самарадорлик кўрсаткичларининг бажарилишини таъминламаган жамиятнинг бошқарув органларига жамият раҳбарларига нисбатан чоралар кўриш учун тегишли огоҳлантиришлар беради

жамият томонидан тақдим этилган монополияга қарши комплаенс ҳақидаги ҳисботни ўрганади ҳамда камчиликлар ва қонунбузарликлар аниқланган тақдирда, жамиятга тегишли огоҳлантиришлар беради;

рақобат талабарини тартибга солувчи қоидаларни ўз ичига олган қонун ҳужжатлари рўйхатини эълон қиласи

консалтинг компанияларни жалб этган ҳолда монополияга қарши комплаенс тизимини жорий этиш бўйича семинарлар, конференциялар ва амалий тренингларни ташкил қиласи;

## **X. Якуний қоидалар**

10.1. Мазкур низомни қўллаш билан боғлиқ низолар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

10.2. Мазкур низом талабарини бузишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар

Монополияга қарши комплаенс  
тўғрисидаги **низомга**  
**ИЛОВА**

### **Рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабарининг бузилиш даражаси бўйича \***

Эҳтимолликни баҳолаш (юз бериш эҳтимоллари)	Оқибатлар даражаси		
	Паст	Ўртacha	Юқори
Юқори эҳтимоллик			
Ўртacha эҳтимоллик			
Паст эҳтимоллик			

\* Рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабарининг бузилиши даражаси бўйича хавфлар таснифи тавсиявий аҳамиятга эга бўлиб, бозор фаолиятининг ўзига хос хусусиятига қараб ўзгартирилиши мумкин.